

СОХТА ДИНИЙ АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Мавлонов Ў.М.

ЎзДСМИ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси, катта ўқитувчи

Маълумки, Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Халқимизнинг бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг танишириш, энг муҳими, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бир қатор ташабbusларни илгари сурди. Ушбу ташабbusларнинг замирида **“Жаҳолатга қарши – маърифат”** шиори ўз мужассамини топган.

Шунингдек, юртбошимизнинг халқаро минбардаги қўпгина чиқишлиарида ва диний уломалар билан юртимизда диний соҳада қилинаётган ишлар юзасидан учрашувларида исломнинг поклик дини эканлиги ҳақида гапириб, ислом динига бугунги кун талаблари юзасидан ёндошишга, асрлар давомида халқимиз маънавий маданиятига муҳим ҳисса қўшиб келаётган, кишиларимиз онгида ўзининг ўчмас муҳрини босган динимизга хурмат билан қараш ва уни ҳар қандай радикал экстремистик оқимлардан ҳимоя қилишга қаратилиши кераклигига алоҳида эътибор қаратганлар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 12 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессияси минбаридан илгари сурган халқаро ташабbusи билан 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** номли маҳсус резолюция қабул қилиниши¹ ҳам юқоридаги фикрларнинг нечоғли тўғри эканлигини билдиради .

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг A/RES/73/128-рақамли “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси // БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида қабул қилинган. 2018 йил 10 декабрь.

Хозирги глобаллашув шароитида дунёнинг гиёсиёсий манзараси тубдан ўзгараётган бир вақтда турли минтаقا ва худудларида рўй берадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қарашиб ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш ҳамда ахборот соҳасидаги хавфсизликни таъминлаш йўлида комплекс вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, замонавий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг шиддат билан ривожланиши, коммуникация ва информацион технологияларнинг тез суръатлардаги тараққиёти ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайишига туртки бўлиб, ёшлар маънавий камолотига салбий таъсир этувчи мафкуравий хуружлар глобал муаммога айланди. Бу долзарблик Ер юзидағи кишиларнинг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, бошқача айтганда мафкуравий полигонга айлантирилаётгани билан ҳам белгиланади. XX асрда инсониятга ядро қуроли катта хавф солган бўлса, бугунги кунга келиб турли мақсадларни кўзлаб уюштирилаётган ахборот хуружлари халқлар, давлатлар, минтақалар ҳаётига, келажак тақдирига таҳдид солмоқда. Воқелик инсон қалби ва онги учун бўлган бундай курашларнинг янгидан-янги усул ва воситаларининг кўпайиб бораётгани, айниқса, бу борада дин омилидан фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда. Бунинг натижасида дин байроғи остида талончилик ва босқинчилик, террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларини содир этаётган, жамиятга ҳар томонлама зарап етказаётган бундай ҳаракатлар ёшлар орасида миллатлараро ва динлараро адоват, миллатчилик ва диний айирмачилик кайфиятларининг шаклланишига замин яратмоқда.

Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига оғдиришга ҳаракат қилаётган кучларни мисол келтириш мумкин. Масалан, ислом ниқоби остида фаолият кўрсатаётган мутаассиб уюшмалар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларнинг маънавий

бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, уларни ягона мақсад остида бирлашуви ғоясини илгари сурадилар. Бундай кучлар шу йўл билан ҳар бир давлатнинг ўз тараққиёт йўлидан оғдиришга ҳаракат қиласидилар ҳамда қаерда ғоявий бўшлиқ, лоқайдлик ва бепарволик мавжуд бўлса, улар ўша ерда пайдо бўладилар.

Дарҳақиқат, тинчлик уруш ва низоларга барҳам бериш орқалигина таъминланади. Афсуски, турли қарама-қаршилик ва зиддиятларни келтириб чиқариш йўли билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган кучлар бор экан, сунъий равишда низоли вазиятларни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам тўхтамайди. Зеро, ҳозирги асримизда ҳам тинчлик неъмати кўплаб мамлакатлар учун ҳамон орзу бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирда ҳам давом этаётган Фаластин муаммоси бутун жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётганини эслатиб ўтиш жоиз. Яқин Шарқ давлатларида бўлиб ўтган хунрезликлар, гўёки “араб баҳори” номи билан бегуноҳ одамларнинг ёстигини қуритаётганлар ҳам асосан динни ниқоб қилиб олган кучлар экани ҳеч кимга сир эмас.

Бундай ҳолат айниқса, ҳозирги кунда бутун дунёга таҳдид солаётган дин ниқоби остидаги террористик гуруҳларнинг фаолиятида кўзатилмоқда. Бугунги кунда диний-экстремистик оқимлар учун ўз мақсадларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, Интернет ва ижтимоий тармоқ саҳифалари орқали кенг тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифалардан бирига айлангани сир эмас.

Зеро, глобаллашув жараёнида ахборотларни тезкорлик билан тўплаш, тарқатиш ва истеъмол қилишда кўплаб ижобий томонлар билан бирга ғаразли кучларнинг ғоявий қураш йўлида амалга ошираётган ахборот хуружларида ҳам ўз аксини топмоқда. Инсон қалбини тилка-пора қиласидиган қонли можаролар тўсатдан пайдо бўлиб қолмаганини, ушбу мамлакатларга нисбатан узоқ йиллар давомида аниқ мақсадга қаратилган ахборот хуружлари олиб борилганини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Айниқса, ёшлар орасида мутаассибликка

йўғирилган форумларнинг тобора оммалашуви ҳамда уларда турли кўринишдаги бузгунчи “фатво”ларнинг бериб борилиши муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади. Минг афсуски, бундай манфур кучлар асосан илм ва маърифатдан йироқ, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаган кишиларни, асосан ёшларни жалб этишга интилиб, ўз Ватанини тарк этишга даъват этмоқда.

Демак, бугунги кунда дунё ҳамжамиятида мафкуравий полигонларнинг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири ҳар бир мамлакат, давлат, халқ олдида турган долзарб муаммолардан бири саналади. Бундай шароитда ўсиб келаётган баркамол авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар онгини турли хил ёт ғоя ва ахборот хуружлардан сақлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сўнгги йилларда мамлакатимизда экстремизмга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширишдаги ёндашувлар концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор ахоли ўртасида профилактика ва тушунтириш ишларига қаратилди. Ушбу соҳада амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар «Жаҳолатга қарши маърифат» деган эзгу ғояга асосланган.

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг A/RES/73/128-рақамли “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси // БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида қабул қилинган. 2018 йил 10 декабрь.